Агар электр токига тушиб қолиш уч фазали ва уч симдан нейтралли изоляция қилинган, ер билан ўтказгич орасидаги электр сиғими катта бўлмаган ҳолатда юз берса, унда одам танаси орқали оқиб ўтган ток, электр манбаъига изоляция қилинган ўтказгич орқали қайтиб келади, ўз-ўзидан маълумки изоляция қаршилиги катта.

Бу ҳолда одам танаси орқали оқиб ўтган ток миқдори

$$I = \frac{1,73U_{\phi}}{3(R_T + R_n + R_0) + R_{из}}$$

Бунда $R_{из}$ -электр системаси бир фазасининг ерга нисбатан қаршилиги, Ом; Одамнинг бундай электр токига тушиб қолишининг икки вазиятини кўриб ўтамыз.

Одам хавфсизлиги учун ноқулай вазият. Бунда одам турган пол ток ўтказувчан, шунингдек унинг оёқ кийими ҳам ток ўтказадиган материалдан ишланган, яъни $R_n = 0$; $R_0 = 0$. Изоляция қаршилиги 60. 000 Ом деб қабул қилсак

$$I = \frac{1,73 \cdot 380}{3 \cdot 1000 + 60000} = 0,01A = 10mA$$

Бундан кўриниб турибдики бундай ҳолатдаги одам танасидан оқиб ўтадиган электр токи миқдори нейтралли ерга уланган электр тормоғига нисбатан 22 марта кам экан.

Одам хавфсизлиги учун қулай вазиятда эса, ўз- ўзидан маълумки, одам танасидан оқиб ўтадиган токнинг миқдори янада кам бўлади.

Ерга улаб муҳофаза қилиш. Ҳар қандай электр қурилмасини, агар унинг металл корпусларида электр кучланиши ҳосил бўлиши хавфи бўлса, қайси жойда ва қандай бинода ишлатилишидан қатъий назар, унинг корпусини ерга улаб қ ўйилади, ва бу электр установкаларини ерга улаб муҳофаза қилиш деб аталади.

Ерга улаб муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти ишлатилаётган электр асбобларининг металл корпусларида электр кучланиши пайдо бўлса уни ерга ўтказиб юборишдан иборат.

Электр қурилмаларни ерга улаб муҳофаза қилишнинг асосий хусусияти, қурилма корпусига ўтиб кетган кучланишни хавфсиз кучланиш даражасига тушириш, шунингдек, ерга уланган жой атрофида потенциаллар айирмаси ҳосил бўлмаслигини таъминлашдан иборат

2.10. Буг қозонларда ишлашни меҳнат муҳофазаси

Хар қайси буг қозонида иккита сақлагич клапан бўлиб, улардан бири контрол клапандир. Иш унуми 100 кг/соат дан ошмайдиган қозонларда фақат битта сақлагич клапан бўлишига йўл қўйилади. Якка ва контрол клапанлар шундай тузилганки, хизмат кўрсатувчи ходим уларнинг ростланишини ўзгартира олмайди. Иш босими 1270 кПа (13 кгк/см^2) гача бўлган қозонларда якка ёки контрол клапан 19,6 кПа ($+ 0,2 \text{ кгк/см}^2$) иш босимига, иш сақлагич клапанн эса 29,4 кПа ($+ 0,3 \text{ кгк/см}^2$) иш босимига ростланган. Бугни ўта киздиргичлар, экономайзерлар ҳам сақлагич клапанлар билан жиҳозланади. Қозонлар ҳам сифон найчали манометрлар (манометрга буг эмас, балки конденсат таъсир этиши учун), сақлагич турдаги сув кўрсаткич шишалар ва қозондаги сув сатҳини контрол қилиш учун кранчалар билан жиҳозланган. Сув иситиш қозонларига термометрлар қўйилади. Босим остида ишлайдиган қозонлар ва бошқа идишлар манометрларининг диферблатида чегара босимини кўрсатувчи қизил чизиқча бўлади. Улар ҳар йили текширилади ва ишга яроқлиларига штамп қўйилади.

Локобиллар ва трансмиссиялардан хавфсиз фойдаланиш учун ҳаракатланувчи қисмларни ишқалашдан ташҳари, тасмали узатмаларни турли қуриш ва ишлатиш зарур. Махсус буюртма буйича тикмасдан тайёрланган ёки учлари бошқача бириктирилган резиналанган узлуксиз тузума тасмалар энг яхши ҳисобланади. Улар қуруқлайин ишлайди ва уларни мой, ёғ, ишқор ва бензиндан сақлаш керак. Ясси тасманинг эни маховик турининг энидан 10 % га энсиз бўлиши керак. Резиналанган тасмаларнинг учини елимлаб, сўнгра вулканизасиялаш йули билан, тасма энининг икки қиррасига тенг узунликдаги алюминий парчин михлар билан бириктириш ёки учма-уч қилиб толали сим билан тикиш мумкин. Тасманинг шатаксирашини бартараф қилиш учун тасмага канифоль ва бошқа моддалар сепиш ярамайди, чунки қулни тасма шкив остига тортиб кетиши мумкин.

Бунинг учун салазкалар буйлаб шкивлардан бирини суриб, тасманинг таранглиги ошириш ёки тасмани қисқартириш керак.

Ҳар қайси қозонга ип ўтказиб тикилган қозонхона китоби юритилиб, унда қозонни текшириш натижалари ва ундан фойдаланишнинг белгиланган муддатлари кўрсатилади. Янги ёки ремонтдан чиқадиган установкани текширилгандан ва гидравлик синовдан ўтказилганидан кейин ишлатишга қўйиладиган иш босими 69 кПа ($0,7 \text{ кгк/см}^2$) дан ортиқ бўлганда эса Госэнергоназорнинг (саноатда Госгортехназорнинг) инспекциясидан ишлаш учун рухсат олинганидан кейин ҳам ишлатишга йул қўйилади.

Қозонни текшириш обмуровкани, деворлар ва уларнинг барабанларга яқин чокларини, буғни ўта қиздиргични, таъминлаш ва тўтун чиқариш трубаларини ички томондан кўриб чиқишдан иборат. Фойдаланиш вақтида қозонлар даврий равишда корхона-қозон эгаси тайинлаган комиссия (йилига бир марта) ва Госэнергоназорнинг инспектори (4 йилда бир марта) текширади. Ичкаридан кўздан кечиришдан олдин қозон совитилади ва қуйқа, кўл, қурумдан яхшилаб тозаланади.

Иш босимида гидравлик синовини корхона-қозон эгаси ҳар гал қозоннинг ички сирти тозалангандан ёки ремонт қилингандан кейин ўтказади. Бундан ташқари, камида 8 йилда бир марта синов босими билан 5 минўт давомида гидравлик синалади. Бу босим 490 кПа (5 кгк/см^2) ва ундан паст иш босимига мўлжалланган буғ қозонлари ҳамда буғни ўта қиздиргичлар учун иш босимининг 150 % ини ташкил қилади, лекин 196 кПа (2 кг/см^2)дан кам бўлмайди. 490 кПа (5 кгк/см^2) дан ортиқ иш босимига мўлжалланган буғ қозонлари учун, шунингдек, ҳар қандай босимли сув иситиш қозонлари учун синов босими иш босимининг 125 % ини ташкил қилади, аммо ундан камида 294 кПа (3 кгк/см^2) га ортиқ бўлади. Сув иситгич ва турли оқимли қозонлар учун максимал нагрузкада қозон киришидаги босим иш босими деб 1 қабул қилинади. Қозонлар (буғни ўта қиздиргичлар, экономайзерлар) агар ёрилиш ёки қолдиқ деформасиялар белгиси бўлмаса, шунингдек, сув сизмаса, гидравлик синовга бардош берди деб ҳисобланади.

Хатто майда томчилар ҳам («томиш» ёки «терлаш»), агар бу томчилар пайванд чокларда ёки қозоннинг бўтун деворчаларида пайдо бўлса, сизиш деб ҳисобланади. Парчин михли чоклардаги «томишлар» ёки арматуранинг нозичлиги туфайли сувнинг чиқиши сизиш деб ҳисобланмайди.

Ички томондан кўздан кечириш ва гидравлик синашлардан ташхари Госэнергонадзор инспектори танлаб қозонхонанинг ҳолати, таъминлаш приборлари, манометрларни, қозонлариинг туғри ишлагилаётганини ва ходимлар ишлатиш қоидаларини билишларини текширган ҳолда баъзи қозонларни ташқи томондан кўздан кечириб чиқиши мумкин.

Хонага четдан кишиларни киритиш ёки қозонлар ва буғ машиналарига хизмат қилишга уларни ишлатишга ҳуқуқ берадиган ва билими текширилганлиги ҳақида белги қуйилган гувоҳномаси бўлмаган шахсларга топшириш мумкин эмас. Электр стансиялари иссиқлик қисмининг ходими ишга киришда ва сўнгра ҳар йили медисина кўригидан ўтади.

Куйдириши мумкин бўлган ҳамма иссиқ қисмлар (буғ трубалари ва хоказолар) иссиқлик изолясияси билан қопланади. Қизиган сиртлардан, буғ, сув ёки ўтхона газларидан куйиб қолиши мумкин бўлган ходим коржомада, махсус оёқ кийимида ва ҳимоя воситалари (қулқоплар, ҳимоя кузопнаклари) дан фойдаланиб ишлайди. Коржоманинг енгларини шимариб қуйиш ман қилинади, сочлар бош кийим остига олинади. Ходим куйиб қолишларда, иссиқ урганда, газ билан заҳарланганда кўрсатиладиган биринчи ёрдам усуллари билиши керак.

Қозонга ремонт қилингандан сўнг ўт ёқишдан олдин ўтхонада ва газ йулларида одамлар қолмаганлигига, сақлагич клапанларнинг зағлушқалари чиқариб олинганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. ЁНИЛЎГИ буғлари ва ҳавонинг портлашга ҳавфли аралашмасини чиқариб юбориш учун ўтхона ва газ йуллари 10 . . . 15 минўт давомида шамоллатилади. Бунинг учун ўтхона эшикчалари, иоддувалолар (ўтхона остидаги ҳаво кирадиган тешиқ), табиий тортиш йулининг шиберлари, заслончалари очилади, агар тўтун сурричлар ва вентиляторлар бўлса, улар ишга тушириладн. Агар қозонхонада газ ҳиди

бўлса, 10 . . . 15 минўт давомида хонанинг тортувчи вентиляциясини ишга тушнриш керак.

Суюк ёнилги ёкиладиган газ горелкалари ёки форсункаларни дастаки усулда ўт олдириш машъаласи билан ёндириш мумкин. Агар газ ёки мазўт ёнмаса ёхуд иш вақтида учиб қолса, ёнилги беришни тўхтатиш, ўт олдириш машъаласини четлатиш ва ўтхонани яна ша- моллатиш керак. Газ ёки мазўт машъаласини чурланган ғишт теримидан (ўт олдириш машъаласисиз) ёндириш ярамайди, бу нарса ўтхонада портлаш юз берншига олиб келиши мумкин. Тўсатдан отилиб чивдан алангадан куйиб қолмаслик учун ўт ёқишда ўтхонанинг ўт ёқиш люкларининг ёки караш туйнукларининг рўпарасида туриш мумкин эмас.

Қозон бир неча соат давомида аста-секин қиздирилади. Ҳаво чиқариш учун очиб қуйилган сақлагич клапандан ёки махсус ҳаво кранидан буғ чиқа бошласа, кран беркитилади ва махсус ҳаво пуфлаш кранчалари ёрдамида манометрнинг сифон найчаси, кейин сув кўрсаткич шиша ҳам ҳаво оқими билан тозаланадн. Кейинчалик манометрлар ва сув кўрсаткич шишалар, улар ифлосланиб қолганда юз берадиган нотўғри кўрсатишларнинг олдини олиш учун, камида ҳар сменада бир марта (уни қабул қилиб олишда) ҳаво оқими билан пуфлаб тозаланади. Пасайган сатҳни кўрсаткичларнинг кўрсатишлари барабандаги сув кўрсаткичларнинг кўрсатишлари билан сменада икки марта солиштирилади. Шишаларни ҳаво оқими билан тозалашда кранчаларни қўлга қўлқоп кийиб олиб, шиша синиб кетганда куйиб қолмаслнк учун шишадан чузилган қўл узунлигида четда туриб, бир текисда очиш керак. Сув кўрсаткич шишани ёки манометрни тақиллатиб уриш ярамайди. Бундай қилинганда шиша ёки манометрнинг шиша найчаси ёрилиб кетиши мумкин. Манометрнинг тузуклигини уни уч йўлли кран ёрдамида ҳаво билан қисқа муддатли тўташтириб синаб кўриш тавсия этилади. Бунда манометр стрелкаси нолгача тушиши, уни ишга туширганда эса олдинги вазиятига қайтиши зарур. Агар қозондаги босим нолдан ортиқ бўлса, қозонда, арматура ва трубо- проводларда ҳеч қандай ремонт ишларини бажариш мумкин эмас.

Буғ қозонларини сув билан таъминлаш учун бир-биридан мустақил равишда ишга тушириладиган камида иккита таъминлаш прибори ёки кичик қувватли қозонларда инжектор ўрнатилади. Бу приборларнинг ишлаши уларни навбатма-навбат ишга тушириб, сменада камида бир марта, уни қабул қилиб олишда текширилади. Айни бир вақтда сақлагич клапанларни, рычагла-рининг учидан ушлаб кўтариб, тузуклиги текширилади. Клапанлар рычагларининг вилкасига ишқаланмаслигини ва ўқларда тириз айланмаслигини кузатиб туриш керак. Контрол клапан занжирчасидан тортиб, ишлатиб курилади. Агар иш сақлагич клапани манометр стрелкаси қизил чизиқчага етишидан олдин ёки кеч очилса, клапанни қўшимча ростлаш учун юкни силжитиқ мумкин, аммо юкни қўпайтириш ёки клапанни поналаб қўйиш ман қилинади. Паст босимли қозонларда итқитиладиган сақлагич курилмани олиб қуйиш ёки бутунлай беркитиб қуйиш ярамайди. Машинист, ўт ёқувчи ёки сув кузатувчилар иш вақтида чалғимасликлари ва босимли қозонни қаровсиз қолдириб кетмасликлари керак.

Қозонни унга туғри келмайдиган, тозаланмаган сув билан таъминлаш, шунингдек, қозонни қуйқадан ўз вақтида тозаламаслик ва қозонни қиздириш сиртларидан кул ва шлакни (уларни ҳаво билан пуфлаб ёки тозалаб олиш йули билан) чиқариб ташламаслик портлашга сабаб бўлиши мумкин. Шлак кўлда тешик уйиб, чиқариб олинади ёки шлак ва кул озроқ ҳаво пуфлаб ва тортишни пасайтириб чиқариб ташланади. Шлакдан ва шлакни қуйишда ҳосил бўладиган буғдан қуйиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Шлак ва қўлни ўтхона ёки бункердан туширишдан олдин кулхонада турган одамларни огоҳлантириш керак. Бунда ва қиздириш сиртларини ҳаво билан пуфлашда, ёнилғини ковлашда ва ташлашда ёки майдалашда ҳимоя кўзойнаклари тақиб олиш лозим.

Қозонни ҳаво оқими билан пуфлашда қозон ва пуфлаш прибори орасидаги патрубок ушлаб кўриб текширилади. Агар патрубок совуқ бўлса, у қуйқа ва шлак билан тўлиб қолган бўлади. Бу ҳолда ҳаво билан пуфлаш мумкин эмас, чунки қуйқадап ҳосил бўлган тикин ёрилганда зарб вужудга

келиб, бу зарбдан патрубок қозондан узилиб кетиши мумкин. Тушнриш (тукиш) линиясида буғ-сув зарблари пайдо бўлганда пастки тушириш вентилини зарблар батамом тугагунча бир оз беркитиб қуйиш керак.

Агар қозон ишлаб турганда сув кўрсаткич шишасида сув кўринмаётганлиги аниқланса, пастки контрол крайни очиш лозим. Агар бу крандан сув чиқса, қозонни дарҳол сув билан тўлдириш керак. Агар крандан фақат буғ чиқса қозонга сув қуйилганда у тез буғланиб кетиб, портлаш юз бериши мумкин. Бу ҳолда қозонни дарҳол тўхтатиш ва бу ҳақда қозонхона мудирига хабар бериш керак.

Қозонни авария вазиятида тўхтатиш учун ўтхонага ёнилғи ва ҳаво беришни тўхтатиш (иоддувалони беркитиш), тортишни камайтириш, ёнилгини ёнишини тўхтатиш ва ўтхонадан чуғни куракда олиб ташлаш (камданкам ҳоллардагича чуғни сув сепиб учуриш мумкин, лекин бунда сув оқимини обмуровкага ёки қозон деворларига теккизмасликка ҳаракат қилш керак), қозонга сув беришни тўхтатиш ва қозонни магистрал буғ трубасидан узиб қуйиш, сўнгра эса буғни аста-секин атмосферага чиқариб юбориш керак.

Қуйидаги ҳоллар юз берганда: сув қайнатадиган, тўтун-газ юрадиган, буғ қиздирадиган трубалар ёки экономайзер трубаesi ёрилиб кетганда; турли жойларда турган учта боғланишда ёки ёнма-ён жойлашган икки борланишда бир вақтнинг узида сув сизганда; қозоннинг контрол тикқини эриб кетганида; ҳамма таъминлаш приборлари ёки барча сув кўрсаткич шишалар, ёхуд ҳамма сақлагич клапанлар ишламай қолганда; бахтсиз қодиса юз берганда; ёнгин чивданда; газ йулларида портлаш юз берганда, арматура ёки трубопроводлар зарарланганда; горелкалардаги газ босими йул қуйилган даражасидан камайиб ёки ортиб кетганда; қозонга сув куп миқдорда берилишига қарамай сув сатхи аниқланмаган сабабларга кўра пасайиб кетганда; қозонга сув кўп берилиши, тортиш ва ҳаво бериш камайтирилганига қарамай қозондаги босим рухсат этилгандан ортиб кетганда; экономайзер, сувни ўта иситкич ёки газ йулларидаги қурум ёниб кетганда қозон авария вазиятида тухтатилади.

Иссиқлик куч асбоб-ускуналарига хизмат курсатишда электроустановкалардаги огоҳлантирувчи плакатларга ухшаш плакатлардан ташқари бошқа баъзи хилларидан ҳам фойдаланилади. Ремонт қилинаётган асбоб-ускунага қушни туриб ишлаётган асбоб-ускунага «Эқтиёт булинг — ишляпти», иш урни яқинидаги газ асбоб-ускунасига эса «Эқтиёт булинг — газ, олов ишлатилмасин!» деб ёзилган огоҳлантирувчи плакатлар осиб қўйилади. Задвижка, вентилларга ва ремонт вақтида очиш мумкин бўлмаган бошқа арматурага — «Очилмасин — одамлар ишляпти», ҳаво пуфлаш свеча 19—815 ларига эса — «Беркитилмасин — одамлар ишляпти» деб ёзилган тақиқловчи плакатлар осиб қўйилади. «Кутарилиш тақиқланади», «Хавфли зона», «Кўтарилиш жойи шу ерда», «Ўтиш йули шу ерда» деб ёзилган плакатлардан ҳам фойдаланилади.

Озик буғлагич қозонидаги босим $24,5 \text{ кПа}$ ($0,25 \text{ кгк/см}^2$) дан ошмаслиги керак. Сув улчагич шишаси, манометри, сувли сақлагич бакчаси, чиқариб ташлаш трубаси ёки ричагли сақлагичи бузуқ бўлганда озик буғлагични ишлатиш ман қилинади. Механик мус тақкамликка ҳисобланмасдан тайёрланган ёки зарур контрол-улчов арматураси ва чиқариб ташлаш мосламалари бўлмаган озик буғлагичларни ва ҳар қандай бошқа буғ, ҳосил қилгичларни ишлатиш мумкин эмас. Буғлаш тугагач, қулқоп киймасдан ва буғ берувчи кранни беркитмасдан озик буғлагичнинг қонғорини очиш ярамайди. Озик буғлагичдаги сув сатҳи ўз баландлигининг $2/3$ қисмидан кам бўлмаслиги керак. Кранчалар ва бакчанинг вентили очик турганда таъминлаш бакчасидан ишлаб турган озик буғлагичга сув бериш мумкин эмас.

Хулосалар

1. Туз эритмаларини кристаллизациялаш хусусиятларига энг кучли таъсирни ундан доимий ток ўтказганда бўлар экан. Бўнда кристалларни ўлчамлари 0,5 дан 0,1 мм катталиққа экани аниқланди.
2. Туз эритмаларининг кристаллизациялаш хусусиятларига электродлар материалларни таъсири аниқланди. Бунда энг яхши натижалар алюминдан тайерланган электродларда аниқланди.
3. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалар бўйча сувга ишлов бериш мосламани қуйидаги параметрлар аниқланди: токни зичлиги – 1 A/cm^2 ; унумдорлиги $0,0001 \text{ м}^3/\text{с}$; ички электродни диаметри – 20 мм; ташқи электрод диаметри – 60 мм; ишлов бериш вақти – 12с; электродлар орасида ўтиш тезлиги – $0,04 \text{ м/с}$; электродлар кундаланг кесим юзаси – $0,0025 \text{ м}^2$; ишлов бериш зонаси – $0,48...0,5 \text{ м}$; ишлов бериш токи, А – 314
ички электродни сирти – $0,0314 \text{ м}^2$; электродлар орасида кучланиш – $100...300 \text{ В}$

3. Сувга электролиз ишлов беришни иқтисодий самарадорлигини ҳисоби

3.1.Узбекистан Республикаси молиявий инкироздан кандай химояланган

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари жаҳонда кузатилаётган молиявий инкироздан каттик азият чекмоқда. Йирик корпорациялар даромадларининг кескин камайиб кетгани боис, ортикча харажатларга чек қўйишга ҳаракат қилмоқда, хусусан, мииглаб ходимлари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинаётир. Юзага келган оғир вазиятдан чиқолмаётган дунёнинг обрули компаниялари эса уз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлишяпти. Оқибатда жаҳон бўйича ишсизлар сони кескин ошиб, дунё ахлининг ижтимоий аҳоли оғирлашмоқда.

Жаҳон матбуоти саҳифаларида берилаётган маълумотларга қараганда, жорий йил бошига келиб АКШда ишсизлик даражаси 7,6%ни ташкил этди. Ваҳоланки, утган йилнинг шу даврида бу курсаткич 4,9% эди. Европада бу борадаги аҳвол 8,2 %. Нафакат Осиё минтақасида, балки бутун дунё микёсида иқтисодий жihatдан қудратли давлатлардан бири саналган Японияга ҳам инкироз уз ҳукмини утказмоқда. Ҳозирга келиб қунчиқар юртда ишсизлик даражаси 8,2% дан ошди.

Оғир қурғокчиликдан азоб чекаётган Африка мамлакатларида иқтисодий таназзул янада қучайди. Яъни қитъада аҳолининг қашшоқлик даражаси энг юқори даражага қутарилди. Дунё экспертларининг берган маълумотларига қараганда, вазият шу зайлда давом этса, ер шарида ишсизлар сони яна 30 млн.га ошади, жами 230 млн. кишига етади. Бу эса дунёда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6,5 фоизи меҳнат қилиш имқониятидан маҳрум бўлади, деган маънони аңлатади.

Республикаимиз Президентта таъқидлаб утганидек, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози мамлакатимизга таъсир курсатмайди, бизни четлаб утади, деб қараш мумкин эмас. Глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Узбекистан ҳам жаҳон щисодий инкирозининг салбий оқибатларини ҳис этмоқда.

Жахон молиявий-иктисодий инкирозининг салбий окибатларини бартараф этиш буйича 2009-2012 йилларга мулжалланган "Инкирозга карши чоралар дастури" мамлакатимизнинг 2009 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг устувор йуналиши этиб белгиланган. Бунда Президентимиз Ислон Каримовнинг "Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистан шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари" китоби мухим дастури булмокда.

Президентимизнинг мазкур асарида жахон молиявий - иктисодий инкирозининг келиб чикиш сабаблари, окибатлари ва унинг Ўзбекистан иктисодиётига таъсирини камайтириш йуллари чукур ва атрофлича тахлил этилган. Инкирознинг мамлакатимиз иктисодиётига таъсирини юмшатишга каратилган "Инкирозга карши чоралар дастури" ни ишлаб чикишга йуналтирилган амалий тавсиялар берилган.

Маълумки, йирик ривожланган мамлакатларда узок йиллардан буён муттасил давлат бюджета такчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташки савдо балансига эга эканлиги, давлат ташки карзининг микдори ялпи ички махсулотга нисбатан юкори булаётгани, ривожланган мамлакатда кайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши окибатида жахон капитал бозорида арзон кредитларнинг юзага келиши, ипотека кредит бериш талабларининг равишда бушаштириб юборилганлиги, молиявий институтларнинг уз маблағлари ва карз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатларнинг кескин бузилиши, жахон иктисодиёти реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин узгариши жахон молиявий инкирози келиб чикишига сабаб булди.

Олимларнинг фикрича, инкирознинг асосий сабабларидан яна бири дунё мамлакатларининг нотекис тараккий топишидир. Мисол сифатида АКШни карайлик. Бу мамлакатда хар бир одам йилига 330 килограмдан ортик гушт ва гушт махсулотлари истеъмол килади. Хар бир оилага 4 тадан телевизор тугри келади, уидаги автомобиллар сони 219 миллиондан ортик булиб уларни 10 каторга терса, экваторни 2,5 марта чиқади.

Ундан ташкари, дунёдаги жами махсулотлар хариди ва хизмат курсатишнинг 40%ини узида жамлаган, ер шарига 26 космодромдан 6 таси, 81 та фазовий алокасунъий йулдошларнинг 31 тасига эгалик килган холда, хар минг кишига 554 та компьютер воситалари тугри келади, ёки булмаса, биргина Манхеттин мавзесидаги телефон тармоқлар сони бутун Африка китъасидаги тармоқлар сонига тенг. Бундай ракамларни куплаб келтириш мумкин, мазкур холат ахоли уртасида "шопоголизм" (яъни харид килсаммикан ёки йук деган куркув)нинг кенг таркалишига олиб келди ва 60 миллиондан ошик киши худди шундай холатга тушган. Европада бу курсаткич 27 миллион кишидан ошикдир. АКШ да инкироздан чикишнинг асосий йулларидан бири сифатида танланган фоизсиз кредитлар бериш оркали, ахолининг харид килиш имкониятларини ошириш, махсулотлар савдосини юриштириш, ишлаб чикариш куламини саклаб колиш усули "шопоголизм" холати кенг таркалган мухитда кандай натижа беришини вақт курсатади.

Мазкур асар мамлакатимиз рахбарининг инкирозни халэтишишига кушган шахсий хиссаси хамда бу борада нихоятда уринли ва асосли тамойилларни акс эттиради. "Буни бошқаларга уртак килиб курсатишга арзийди, яна асарнинг ахамиятли жихатларидан бири шундаки, унда мамлакатнинг улкан салохияти, Ўзбекистондаги иктисодий вазиятнинг прогрессив хамда жахон молиявий инкирози ва уни бартараф этиш йуллари аниқ курсатиб берилган. Буларнинг бари мамлакатнинг истикболдаги тараккиётини белгилаш, унинг бор имкониятини тараккиёт мақсадларига йуналтириш ва сафарбар этиш имкониятини беради" дея фикрбилдирди Бельгия давлат вазири Марк Эйскенс.

Бу борада Франциянинг "Les milieus des empires" ахборот тахлил нашри Президент китобини шархлар экан, жумладан, шундай ёзади: Ўзбекистонда инюфозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва айни пайта мамлакатнинг бозор иктисоди шароитида тутган йули мустахкамланди. ҳозирги вақтда мамлакат банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар

хисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташки нодавлат қарзлар бўйича туланиши керак бўлган туловлар ҳажмидан 10 баробар қўп демакдир. Давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги, шунингдек, қонун устуворлиги ва қўчли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш Ўзбекистон келажагини таъминлайди". Ҳуш, Ўзбекистон ҳукумати глобал молиявий таназзулдан қандай ҳимояланмоқда. Глобал молиявий инкирознинг қўлами ва оқибатларини ҳеч бир ташкилот аниқ ҳисоблаб ололмаётган бир пайтда мамлакатимизда аҳвол қандай.

Халқаро экспертлар маълум қилишича, Ўзбекистон дунёда молиявий инкирознинг сапбый таъсири у қадар сезилмаётган санокли давлатлардан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фаҳрий консули Тошио Тоуранинг айтишича, жаҳон молиявий инкирозига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг жадал суръатини намойиш этмоқда ва бу ҳолат ҳозирги қўнда қамдан-қам мамлакатларда қўзатишмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётининг муҳим уринларидан бири янги иш уринларини яратиш билан боғлиқдир, дея изохлайди фаҳрий консул. Шунингдек, у республикаимизда ишончли банк-молия тизими яратилганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банкларига айнан, иқтисодий инкироз қўзатишган 2008 йилда нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳо берилгани бунинг ёркин далилидир. Бу иқтисодий, қолаверса, молия соҳасида ўзқўни қўзлаб юритаётган сиёсат

3.2. Сувга буғ қозонга беришдан олдин электролиз ишлов бериш мосламани иқтисодий самарадорлигини ҳисоби

Сувга буғ қозонларига беришдан олдин электролиз ишлов бериш мосламани иқтисодий самарадорлигини йиллик эксплуатация харажатларини таққослаштириб аниқлаймиз. Бунда кимёвий ишлов бериш усул билан солиштирамиз. Ҳисобларни КВ-300М буғ қозон учун олиб борамиз.

Кимёвий усул билан сувни тайёрлашда йиллик эксплуатация харажатлар қуйдаги тенгламадан топамиз:

$$\mathcal{E}_k = IX1 + P + Tr1, \quad (3.1)$$

бунда $IX1$ – ишловчиларни иш хаки, минг сўм;

P – реагентларга кетадиган харажатлар, минг сзм;

$Tr1$ – таъмирлашга кетадиган харажатлар, минг сўм.

Электролиз усул билан сувни тайёрлашда йиллик эксплуатация харажатлар қуйдаги тенгламадан топамиз:

$$\mathcal{E}_э = IX2 + \mathcal{E}\mathcal{E} + Tr2, \quad (3.2)$$

бунда $\mathcal{E}\mathcal{E}$ – электр энергияга харажатлар, минг сўм.

Таъмирлашга кетадиган харажатларни “Энерго таъмирлаш” корхонанинг маълумолар бўйича КВ-300М бўғ қозонларни таъмирлаш ишлари (кимёвий ишлов беришда) ўрта ҳисобда икки йилда бир марта бажарилади. Битта таъмирлашга кетадиган харажатлар 3.1. жадвалдаги смета бўйича ҳисоблаймиз.

Кимёвий усул учун био йиллик таъмирлашга кетадиган харажатлар:

$$Tr1 = Tr / 2 = 4550 / 2 = 2275 \text{ минг сўм.} \quad (3.3)$$

Ишлаб чиқилга усул учун:

$$Tr2 = Tr / 6 = 4550 / 6 = 758 \text{ минг сўм.} \quad (3.4)$$

Кимёвий усулда сувни тайёрлаш учун бита оператор ва бита лаборант ишлашлари керак. Бунда уларни иш хаки:

$$IX1 = n T t = 2 \cdot 2920 \cdot 1500 = 8760 \text{ минг сўм;} \quad (3.5)$$

бунда n – ишчилар сони;

T – йиллик ишлаш соатлари;

t – бир соатли тариф ставкаси, сўм/соат.

3.1-жадвал. КВ-300М буғ қозонни таъмирлашга кетадиган харажатлар..

Бажариладиган ишларни номланиши	Ажратилган вақт, соат	Ишларни баҳоси, минг сўм
Қозонга келадиган сув, газ, буғ тармоқларни ажратиш	6	260
Қозонни қисмларга ажратиш	12	520
Буғ трубаларни тозалаш	18	780
Қозонни деворларни, ёниш камерасини тозалаш ва ямаш	18	780
Буғ трубаларни вальцовкаш ва алмаштириш	24	1040
Қозонни еғиш	12	520
Тармоқларни ўлаш	6	260
Текшириш ва синаш	9	390
Жами		4550

Электролиз мосламани ишлашини назорат қилиш учун битта электрикни 0,2 иш куни керак. Бунда:

$$ИХ2 = 1 \cdot 2920 \cdot 1500 \cdot 0,2 = 876 \text{ минг сўм.} \quad (3.6)$$

Бир кунда 8 соат ишлайдиган буғ қозон учун йилига 700 кг реагент ишлатилади. Реагентни 1 тонна си баҳоси 3840 минг сўм. Бунда:

$$P = 3840 \cdot 0,7 = 2688 \text{ минг сўм.}$$

Электр энергияни сарфини аниқлаш учун электролиз мосламани бир кунда 3 соат ишлашини қабул қиламиз, электр энергияни баҳосини эса 80 сўм 1 кВт·соат. Бунда электр энергияга харажатлар:

$$ЭЭ = U I \text{ Эт Й } t_3 / 1000 = 220 \cdot 314 \cdot 80 \cdot 365 \cdot 3 / 1000 = 6051 \text{ минг сўм,} \quad (3.7)$$

бунда U – кучланиш, В;

I - ток, А;

Эт – 1 кВт соат электр энергияни баҳоси, сўм;

Й – бир йилда кунлар сони;

t_3 – мосламани бир кунда ишлаш вақти, соат.

Кимёвий усул учун йиллик эксплуатация харажатлар:

$$\mathcal{E}_k = 8760 + 2688 + 2275 = 13723 \text{ минг сўм.} \quad (3.8)$$

Электролиз усули учун:

$$\mathcal{E}_a = 876 + 758 + 6051 = 7685 \text{ минг сўм.} \quad (3.9)$$

Йиллик иқтисодий самарадорлигини аниклаймиз:

$$C = \mathcal{E}_k - \mathcal{E}_a = 13723 - 7685 = 6038 \text{ минг сўм.} \quad (3.10)$$

Битта КВ-300М буғ қозон учун электролиз усули билан сувни тайёрлаш мосламасини иқтисодий самарадорлиги 6038 минг сўмни ташқил қилди.

Иш бўйича умумий хулосалар

4. Туз эритмаларини кристаллизациялаш хусусиятларига энг кучли таъсирни ундан доимий ток ўтказганда бўлар экан. Бўнда кристалларни ўлчамлари 0,5 дан 0,1 мм катталиққа экани аниқланди.
 5. Туз эритмаларининг кристаллизациялаш хусусиятларига электродлар материалларни таъсири аниқланди. Бунда энг яхши натижалар алюминдан тайёрланган электродларда аниқланди.
 6. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалар бўйича сувга ишлов бериш мосламани қуйидаги параметрлар аниқланди: токни зичлиги – 1 A/cm^2 ; унумдорлиги $0,0001 \text{ м}^3/\text{с}$; ички электродни диаметри – 20 мм; ташқи электрод диаметри – 60 мм; ишлов бериш вақти – 12с; электродлар орасида ўтиш тезлиги – $0,04 \text{ м/с}$; электродлар кундаланг кесим юзаси – $0,0025 \text{ м}^2$; ишлов бериш зонаси – $0,48...0,5 \text{ м}$; ишлов бериш токи – 314 А; ички электродни сирти – $0,0314 \text{ м}^2$; электродлар орасида кучланиш – $100...300 \text{ В}$.
 7. Ишлаб чиқилган усул ёрдамида ишлов бериш масламасини бевосита буғ қозонларга сувни берадиган тармоқга улаш мумкин. Кимёвий усулда сув тармоғи ўзилади.
- Битта КВ-300М буғ қозон учун электролиз усули билан сувни тайёрлаш мосламасини йиллик иқтисодий самарадорлиги 6038 минг сўмни ташқил қилди. Иқтисодий самарадорлик эксплуатацион харажатлани таққослашда аниқланди ва ишчиларни иш ҳақи ва реагентларга кетадиган харажатлар камайиш хисобига чиқди.

Адабиетлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йилда Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йзллари ва чоралари.- Т.:Ўзбекистан,1998.-54 б.
3. Правила технической эксплуатации электроустановок потребителей и правила техники безопасности при эксплуатации электроустановок потребителей. –М.:Атомиздат, 1974, - 352.
- 4 Яворский Б.М., А.А.Детлаф. Справочник по физике для инженеров и студентов вузов.-М.:Наука,1979, - 942 с.
- Дроздов Н.Г., Никулин Н.В. Электроматериаловедение.- Высш.шк.,1974,- 342 с
5. Гусев Ю.Л. , Копьев С.Ф. Котельные установки и тепловые сети. – М.: Гостстройиздат,1972.- 311с.
6. Захаров А.А. Практикум по применению тепла в сельском хозяйстве.- м.: колос, 1979. 191 с.
7. Панин В.И. обслуживание коммунальных котельных и тепловых сетей. – М.: Стройиздат, 1983. - 336 с.
8. Некрасов А.М. Неорганическая химия. В 3-х томах. – М.: Вкш.школа, 1976.
9. Гайдук В.Н., Шмигель В.Н. Практикум по электротехнологии. – М.: Агропромиздат, 1989.- 175 с.
10. Басов А.М., Лаптев А.В., и др. Электротехнология. –М.: Агропромиздат, 1988. - 256 с.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	7
1. Сув қиздиргичларга ва буғ қозонларга бериладиган сувга ишлатиладиган усулларни тахлили ва магистрик диссертацияда ечиладиган муаммоларни шакллантириш.....	10
1.1. Сув қиздиргичларга ва буғ қозонларга бериладиган сувни тайёрлаш.....	10
1.2. Октадециламиндан фойдаланиб консервация қилишда иссиқлик энергетика жиҳозларининг ички исиб кетиш юза қисмини чўкиндиладиган ва коррозиядан ҳимоя қилиш.....	12
1.3. Гидромагнит тизимлар – қуйқум ва нуқтали коррозия ҳосил бўлишини бартараф қилиш учун қурилма.....	19
1.4. Иссиқлик билан таъминлаш тизимининг мажмуавий сув – кимёвий режими.....	23
1.5. Магистрик диссертацияда ечиладиган масалалар.....	27
2. Электромагнит майдонларни эффектларини туз эритмаларини кристаллизациялаш хусусиятларига таъсирини ўрганиш ва сувга ишлов бериш учун мосламани ишлаб чиқиш.....	29
2.1. Электромагнит майдонларни эффектларини туз эритмаларини кристаллизациялаш хусусиятларига таъсирини экспериментал ўрганиш услугларини ишлаб чиқиш.....	29
2.1.1. 4500 МГц ўта юқори частотали электр майдонларида ишлов бериш услуги.....	29
2.1.2. Хаво оралиғидан электр учкунлар билан ишлов бериш услуги.....	30
2.1.3. Тожли разряд электр майдонларида ишлов бериш.....	30
2.1.4. Ўзгарувчан магнит майдонларида ишлов бериш.....	31
2.1.4. Доимий магнит майдонида ишлов бериш.....	32
2.1.5. Электрогидравлик эффекти ёрдамида ишлов бериш.....	32
2.1.6. Доимий ток билан ишлов бериш (электролиз).....	33
2.1.7. Ўзгарувчан ток билан ишлов бериш.....	34

2.2. Электромагнит майдонлари эффектларини туз эритмаларини кристаллизациялаш хусусиятига таъсирини ўрганиш экспериментал тадқиқотларини натижаларини тахлили.....	34
2.3. Доимий ток билан ишлов бериш туз эритмаларини кристаллизация хусусиятларига таъсирини ўрганиш услуби.....	36
2.4. Доимий ток билан ишлов бериш туз эритмаларини кристаллизация хусусиятига таъсирини ўрганиш натижалари.....	38
2.4.1. Электролиз кучланишлар катори	40
2.5. Цилиндр шаклидаги электродлар системасини параметрларини Аниқлаш.....	45
2.6. Сувга ишлов бериш вақтни аниқлаш.....	46
2.7. Сувга доимий ток билан ишлов бериш мосламани параметрларини ҳисоби.....	48
2.8. Ишлов бериш мослама учун ростланадиган доимий ток манбасини ишлаб чиқиш.....	49
2.9. Ток таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари.....	50
2.10. Буғ қозонларда ишлашни меҳнат муҳофазаси	55
Хулосалар.....	63
3. Сувга электролиз ишлов беришни иқтисодий самарадорлигини ҳисоби.....	64
3.1.Ўзбекистан Республикаси молиявий инкироздан кандай химояланган.....	64
3.2. Сувга буғ қозонга беришдан олдин электролиз ишлов бериш мосламани иқтисодий самарадорлигини ҳисоби.....	67
Иш бўйича умумий хулосалар.....	71
Адабиетлар рўйхати.....	72